



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ИСЛОХОТЛАР

АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Муҳтарам устоз ва мураббийлар! Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингида ўз ҳаётини дунёдаги энг машаққатли ва шарафли ишга бағишлаб келаётган барча Ўзбекистон педагогларини Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этаман.

Биз устоз зотини азалдан отадай улуғ деб биладиган, ҳаммиса бошига кўтариб эъзозлайдиган маърифатпарвар халқ фарзандларимиз.

Ҳар бир инсон ҳаётда қандай ютуққа эришган бўлса, уларда қадрдон ўқитувчи ва устозларнинг беқиёс ҳиссаси борлигини умрбод миннатдорлик билан эслайди.

Шахсан мен ўқитувчи деганда – замон билан ҳамқадам бўлган жонкуяр, зиёли шахсни, мактаб деганда – билим ва маърифат ёғдуси таралиб турадиган, Учинчи Ренессанс пойдевори кўйилмайдиган таварруқ масканни кўз олдимга келтираман.

Биз, ота-оналар ўзимизнинг энг катта бойлигимизни – азиз фарзандларимиз келажагини сиз, муҳтарам устозлар қўлига ишониб топширганмиз. Шу маънода, буюк шоиримиз Абдулла Ориповнинг: “Сиздан бошланади асли тафаккур”, деган сўзларида теран ҳаётий ҳикмат бор.

Бугунги кунда фидойий устоз ва мураббийларнинг эзгу хизматлари тўғрисида ёшларимиз ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етаётгани, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қандай катта марраларни қўлга киритаётгани барчамизга чексиз кувонч бахш этади.

Шу борада биргина мисол келтирмакчиман. Ўтган ўқув йилида ёшларимиз халқаро ва минтақавий фан олимпиадаларида 45 та олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритгани таълим соҳасидаги ислохотларимиз самарасига яна бир далилдир.

Барчамизга аёнки, муаллимнинг обрў-эътибори – бу аввало миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир. Шу боис, биз кейинги йилларда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича улкан ислохотларни амалга оширмакчимиз.

Педагог ходимларни мажбурий меҳнат ва турли жамоатчилик ишларига жалб қилиш ҳолатларига чек қўйилгани, таълим муассасаларида қозғоқозликка барҳам берилаётгани бугун ўз ижобий натижасини кўрсатмоқда.

Олис ҳудудлардаги мактабларга

дарс бериш учун жалб этилган юқори тоифали ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилгани бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда фарзандларимизни гўдаклик давридан то камолот ёшига қадар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрнини топишга хизмат қиладиган узлуқсиз ва самарали тизим яратилмоқда.

Хусусан, кейинги 6 йилда мактабгача таълим ташкилотлари сони 5,5 баробар кўпайиб, 28 мингдан ошгани ва қамров даражаси 70 фоизга етгани айниқса эътиборлидир.

Шу ўринда, 2022-2026 йилларда халқ таълими тизимини ривожлантириш бўйича Миллий дастур қабул қилинган, мактаб таълимининг ислоҳ қилиш бўйича Миллий кенгаш ва унинг ҳудудий бўлиmlари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Айни вақтда Ўзбекистон тарихида биринчи марта бошланғич синфларда фанларни ўзлаштириш даражасини аниқлайдиган нуфузли халқаро баҳолаш дастурлари йўлга қўйилди.

Жорий йилда давлат бюджети ҳисобидан барча замонавий шароитларга эга 51 та янги мактаб бунёд этилди. Шунингдек, 1660 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 119 мингдан ортиқ ўқувчи ўрни яратилди.

Шу билан бирга, 465 та мактаб учун қўшимча ўқув бинолари, 115 та спорт зали ва майдончалари барпо қилинган, шунингдек, 115 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 119 мингдан ортиқ ўқувчи ўрни яратилди.

Шу билан бирга, 465 та мактаб учун қўшимча ўқув бинолари, 115 та спорт зали ва майдончалари барпо қилинган, шунингдек, 115 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 119 мингдан ортиқ ўқувчи ўрни яратилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб республикамиздаги 137 та мактабда инклюзив синфлар ташкил этилиши натижасида ногиронлиги бўлган юзлаб болаларнинг фаол билим олишига шароит яратилди.

Ўқитувчиларнинг билими ва касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай чора-тадбирлар тўғрисида кейинги бир йилда малака тоифасига эга муаллимлар сони 300 мингдан ошгани таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Айни пайтда мактаблар учун замонавий ўқув дастурлари ва дарсликлар яратиш бўйича ЮНИСЕФ,

ЮСАИД халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Финляндия каби ривожланган давлатларнинг тажрибали экспертлари иштирокида кенг қамровли изланишлар давом эттирилмоқда.

Кейинги йилларда юртимиздаги янги олиёй ўқув муассасалари сони қарийб 2,5 баробарга кўпайиб, 186 тага етказилгани, қабул квоталари 3,5 баробар ортгани олиёй таълим тизимини ривожлантиришда фоят муҳим роль ўйнамоқда. Бу ўринда қарийб 2,5 баробарга кўпайиб, 186 тага етказилгани, қабул квоталари 3,5 баробар ортгани олиёй таълим тизимини ривожлантиришда фоят муҳим роль ўйнамоқда. Бу ўринда қарийб 2,5 баробарга кўпайиб, 186 тага етказилгани, қабул квоталари 3,5 баробар ортгани олиёй таълим тизимини ривожлантиришда фоят муҳим роль ўйнамоқда.

Барчангиз яхши хабардорсиз, биз таълим тизимини янада ривожлантириш масаласини Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширадиган энг асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгилаб олганмиз.

Бизнинг мақсадимиз – Янги Ўзбекистоннинг мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб шаклланиши зарур.

Бу эзгу мақсадга эришиш учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича бошланган ишларимизни албатта мантиқий якунига етказамиз.

Барча ҳудудларимиз, айниқса, қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратамиз.

Ўқитувчи ва домлалар, тарбиячи ва мураббийлар, илм-фан соҳаси ходимлари учун муносиб шароит яратиш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, моддий таъминотини яхшилаш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилади.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни ҳар томонлама ривожлантираемиз.

Ҳаммамиз гувоҳимиз, бугун таълим-тарбия тизими бутун жамиятимиз, халқимизнинг диққат-эътиборида турибди. Соҳадаги ҳар бир ўзгариш юртдошларимиз ўртасида қизгин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Биз бундан буён ҳам халқимиз би-

лан маслаҳатлаган ҳолда, жамоатчилик фикрини атрофлича таҳлил қилиб, эришган ютуқларимизни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тuzатиш йўлидан борамиз.

Ҳеч кимга сир эмас, бугун дунё шафқатсиз рақобат майдонига айланган. Барча соҳаларда қандай кескин кураш кетаётганини ҳар биримиз кўриб турибмиз.

Ҳозирги замонда ҳамма жабҳаларда илм, билим ва салоҳият сув билан ҳаводай зарурлиги, ҳар қайси давлат фақатгина шу асосда тараққиётга эришиши, содда қилиб айтганда, инсон билик кучидан кўра илм кучи билан кўпроқ даромад ва обрў-эътибор топиши мумкинлигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Биз даврнинг мана шундай ўткир талабларидан келиб чиққан ҳолда, юртимизда ихтисослаштирилган мактабларнинг мутлақо янгича тармоғини ташкил қилдик. Ёшларни замонавий касб-хунарларга ўргатадиган юзлаб масканлар, IT-парклар бунёд этмоқдамиз.

Мана, буюк аллома бобомиз Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш бўйича қарор қабул қилдик. Хоразмда шонли аждодимиз Муҳаммад Хоразмий номида янги шаҳарча қуришга киришдик.

Буларнинг барчасидан кўзлаган мақсадимиз битта. У ҳам бўлса, Янги Ўзбекистоннинг янги бурунийлари, янги хоразмийлари, ибн синолари ва фарғонийларини камолга етказиш, шу орқали жонажон Ватанимизни дунё миқёсида ривожланган, тинч, эркин ва фаровон мамлакатга айлантиришдан иборат.

Сиз, азиз устоз ва мураббийлар бугун мана шундай ўта масъулиятли жабҳада том маънода тарихий миссияни адо этмоқдасиз. Чунки, Ватан ва халқ манфаати учун мардона курашадиган, ўзининг қатъий ҳаётий позициясига эга, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларни тарбиялаш – ҳақиқатан ҳам гоят эзгу ва улуғ вазифадир.

Барчангизга шу шарафли йўлда олиб бораётган олижаноб фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Хонадонларингизга доимо тинчлик-хотиржамлик, файзу барака ёр бўлсин!

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азиз устоз ва мураббийлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Маърифатимиз, сизга, азиз устозлар!

«Адолат» социал-демократик партияси Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан сермашаққат ва шарафли фаолияти йўлида меҳнат қилаётган барча жонкуяр соҳа ходимларини қутлайди. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни она Ватанга меҳр ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдек машаққатли ва шарафли меҳнатингизда улкан ютуқларга эришингизни тилаймиз. Билимингиз роҳатини, шогирдларингиз камолини кўриб юришингизга тилакдошимиз!

Биз сизларни қадрлаймиз, биз сизларга ишонамиз! Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар! «Адолат» СДП



Халқаро конференция

Осиёнинг сиёсий ривожланишида сиёсий партияларнинг ўрни

Куни кеча Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида Осиё сиёсий партиялари халқаро конференцияси (ICAPP) ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган “Осиёнинг сиёсий ривожланишида сиёсий партияларнинг ўрни” мавзусида махсус конференция ўз ишнини якунлади. Мазкур конференцияда жами 13 та давлатдан (Ўзбекистон, Озарбайжон, Бангладеш, Камбоджа, Индонезия, Жанубий Корея, Малайзия, Мўғулстон, Непал, Сингапур, Шри Ланка, Танзания, Вьетнам) 23 та сиёсий партия вакиллари катнашди.



Анжуманда Ўзбекистондан бешта партия вакиллари иштирок этиди.

Махсус конференциянинг очилиши ва 1-сессиясида Ўзбекистон томонидан “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари У.Сулаймонов инглиз тилида маъруза қилди. Маърузачи ўз чиқишида бугунги кунда мамлакатимизда амалда бўлган кўппартиявийлик тизими, сиёсий партияларни янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида маълумот бериб ўтди.

Маърузадан сўнг конференция иштирокчилари ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистонда сўнгги йилларда сўз эркинлиги, сиёсий партиялар фаолиятининг қонунчиликка асосланганлиги борасида олиб борилаётган очик-ошкора, прагматик сиёсатни, сайлов жараёнларининг шаффоф, умумэътироф этилган ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос равишда ўтказилаётганлигини алоҳида эътироф этишди. Шунингдек, махсус конференция иштирокчилари У.Сулаймонов маърузасида алоҳида қайд этилганидек, дунёда сиёсий партиялар давлат ва жамият ўртасида том маънода кўпроқ вазифасини бажариши кераклиги, ҳар қандай жамиятга кўппартиявийлик ва фикрлар хилма-хиллиги зарурлигини ва бу масалада Осиё давлатлари бемалол Ўзбекистон тажрибасидан ўрнак олиши мумкинлигини таъкидлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақият...

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Мустофоев Жуманазар Сафоевич – Бухоро давлат университети Қорақўл академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Мамадалиев Исомиддин Имомалиевич – Янгйўрғон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг география ва биология фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Богдасарова Татьяна Михайловна – Мирзо Улугбек туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Байтемиров Асадулла Хайтобоевич – Зарбдор туманидаги 25-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

«МЕХНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдувалитов Ергаш Бураневич – Тошкент давлат педагогика университетининг қоқоқ тили ва адабиёти кафедраси мудири

Менглиев Абдурахмон Жавлиевич – Қизилқум туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Мирзабаев Серикбай Дауилбаевич – Нукус шаҳридаги 2-касб-хунар мактабининг бош устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Рихсиев Мамуржон Акромович – Чилонзор туманидаги 217-умумий ўрта таълим мактабининг технология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Тошпулатов Бобир Бурунович – Ғузор туманидаги 68-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Турсунова Хурмат Тошевна – Когон туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби директори, Бухоро вилояти

Халилова Мохира Кодировна – Нурота туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Адилова Шоира Мухаммадиевна – Оқолтин туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби директори, Сирдарё вилояти

Амирова Зувайда Шадмановна – Термиз шаҳридаги касб-хунар мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Бабаджанов Хушнуд – Урганч давлат университетининг рус тили ва адабиёти кафедраси профессори, Хоразм вилояти

Давлатова Манзура Асроровна – Кармана туманидаги «Begim Kids» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-ўқитувчиси, Навоий вилояти

Елмуратов Бахитбай Қуанишбаевич – Тахтақўпир туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жуманиязова Мухаббат Болтаевна – Мухаммад Ризо Огаҳий номидаги ижод мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Жўраева Ҳидоят Шодиевна – Навбахор туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Заиров Джура Ташпулатович – Спорт яккакурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича мурраббийи

Исақова Адолат Валиевна – Норин туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Исмаилова Шоира Пулатовна – Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети академик лицейининг информатика фани ўқитувчиси

Казбаева Озода Алимухамедовна – Паркент туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Куватова Дилназов Намазона – Қарши шаҳридаги 46-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Мамажоновна Мухаббатхон Махкамона – Қўштепа туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мирзаева Равшано Хурбаевна – Пахтаобод туманидаги 1-касб-хунар мактаби директори, Андижон вилояти

Мисирова Манзура Абдумажитовна – Дўстлик туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Олимова Зевар Султоновна – Вобкент саноат ва транспорт техникумининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Рахмонова Хусния Усмонова – Пайриқ туманидаги «Happy Dreams House» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, Самарқанд вилояти

Сабинова Дано Илхамжоновна – Яккасарой туманидаги «Лидер болалар мактаби» нодавлат таълим ташкилотининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Саидова Гулбахор Худайбергеновна – Амударё туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Собирова Муяссархон Парипбаевна – Бекобод туманидаги 2-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Тошкент вилояти

Шаймуратова Дилра Рашидовна – Мирзо Улугбек туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Адилова Машура Насировна – Қўрай туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Азимов Мумин Усмонович – Қўқдала туманидаги Чироқчи педагогика коллежи директори, Қашқадарё вилояти

Аннаев Тухташ Жураевич – Термиз давлат университетининг Ўзбекистон тарихи ва манбаъшунослик кафедраси катта ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ахмедов Ашраф – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти шарқ халқлари фани ва адабиёти тарихи бўлими бошлиғи

Дусоята Зухра Махмудовна – Томди туманидаги 1-оилавий болалар уйи тарбиячиси, Навоий вилояти

Журавлева Ольга Анатольевна – Пахтакор туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Қадиримбетова Салима Расбергеновна – Нукус туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қамбаралиев Таиржон Нурматович – Учқўрғон туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Маматхалилова Гулбахор Садиловна – Жалақудуқ туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг қирғиз тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Нозадзе Тамара Васильевна – Яшнобод туманидаги 166-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Нуруллаева Нигора Назировна – Урганч давлат университети академик лицейининг немис тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Плазницкая Марина Станиславна – В.Успенский номидаги Республика иختисослаштирилган мусиқа мактабининг мусиқа назарияси бўлими ўқитувчиси

Рахматуллаева Элвира Раилевна – Бухоро шаҳридаги «The Knowledge Academy» нодавлат таълим ташкилотининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Рузиева Лариса Рахимовна – Самарқанд шаҳридаги 1-имкониёти чекланган болалар учун мактаби директори, Самарқанд вилояти

Тугушева Зулфия Фанилевна – Марғилон шаҳридаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Урабаева Мавлюда Анваровна – Тошкент шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар мактабининг тўғарақ раҳбари

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абилкасимов Акмал Бектурдиевич – Абу Али ибн Сино номидаги иختисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси

Алимова Гулчехра Гафуровна – П.Беньков номидаги Республика иختисослаштирилган рассомлик мактабининг либ-бослар дизайни фани ўқитувчиси

Атабоева Севара Мамасалиевна – Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Бозоров Сайфулло Садуллаевич – Миришкор туманидаги 21-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ботиров Гузалхон Турдиевна – Халқ таълими вазирлиги тасарруфидога ўқибатилган иختисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси

Давлатов Носиржон Эргашалиевич – Кува туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Дониёров Соҳиб Ҳолиқович – С.Сирожиiddинов номидаги республика академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

Жуманиёзов Эркабой Рахмонович – Янгйаёт туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Икромов Ғолибжон Толибжонович – Шайхонтоҳур туманидаги 102-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Каримова Фарида Азатбаевна – Оҳангарон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Қдирбаева Лала Абдиқадировна – Қўнғирот туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қаршибоева Маъмура Амиркуловна – Шароф Рашидов туманидаги «Мубинабону» оилавий болалар уйи раҳбари, Жиззах вилояти

Қурбанов Бобурмирозо Хошимжонович – Бувайда туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мамадалиева Мухайё Убайдуллаевна – Учқўприк туманидаги 27-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Фарғона вилояти

Сапарова Дилшоҳа Адашевна – Тайлоқ туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Сафаров Рустам Дусиёрович – Яшнобод туманидаги 77-ихтисослаштирилган кўзи оқизлар мактаб-интернати директори, Тошкент шаҳри

Субонон Нурмурод Ҳайдарович – Ромитан туманидаги 41-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Тоқумбетов Шавкат Каипназарович – Тўртқўл туманидаги 63-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тусматов Ойбек Гафурович – Избоскан туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Улугбердиева Гулчехра Аликуловна – Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Умарова Мухайё Шамшидиновна – Уйчи туманидаги 30-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Наманган вилояти

Умрзаков Сарварбек Мухаммадович – Бўстон туманидаги 48-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

Уталов Лутфулла Нарзуллаевич – Фаллаорол туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Фузайлова Хулқар Эргашевна – Жомбой туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хайтов Хусниддин Хасанович – Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Хамдамова Мухайё Сохибназаровна – Бектемир туманидаги 293-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Хасанова Айдин Бектурдиевна – Гурлан туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Худайбергенова Мухайё Сабировна – Урганч шаҳридаги 1-касб-хунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Хоразм вилояти

Хусанова Зумрад Нозимжоновна – Миробод туманидаги «Excellence Education Group» нодавлат таълим ташкилоти раҳбари, Тошкент шаҳри

Ҳайдаров Уктаб Хазратович – Қорақўл туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Шарапов Тўра Неъматович – Яккабўғ туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Юлдашова Барчиной Нуриллаевна – Қонимех туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президентини Тошкент шаҳри, 2022 йил 28 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

ИЛМЛИ, МАЪРИФАТЛИ АЁЛ - МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ, МИЛЛАТ ТАРБИЯЧИСИ

Давра суҳбати

Бугун жамиятимиз ҳаётида хотин-қизларимиз ролини ошириш, ҳукуратимиз томонидан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятга қадри ва қаддини кўтариш мақсадида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.



ҳитни мустаҳкамлаш хусусида сўз юритилди. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг илм олишлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этганди.



алоҳида университет ташкил этилиши ҳамда пахта-тўқимачилик ва прикладчилар кластерлари иштирокда жойларда университетнинг техникумлари очилиши белгиланди.

«Адолат» СДП Матбуот хизмати

Конун барчага баробар

Бозор иктисодиёти қонуниятларига кўра шартномалар олдидан белгилан кўйилган режаларга мувофиқ эмас, талаб ва тақлифларга асосан тузилади. Шартномавий муносабатлар субъектлари учун шартнома тузиш, тузилаётган шартнома турини ва шартларини танлаш эркинлиги Фуқаролик кодексининг 354-моддасида белгилаб кўйилган.

Назиржон ИСАҚОВ,
халқ депутатлари Фарғона тумани Кенгаши депутати



**ОММАВИЙ ШАРТНОМАЛАР,
ШИКОЯТБОЗЛИК,
СУДЛАШУВЛАР...**

Тўғри, ФКнинг 377-моддасида айрим ҳолларда мажбурий тартибда шартнома тузиш тартиб-қоидалари ҳам белгиланган. Шунда ҳам биринчи тарафдан шартнома лойиҳасини олган иккинчи тараф 30 кунгача бўлган муддатда лойиҳанинг ҳар бир шартини ўрганиш, лозим топса ўз шартларини кўрсатган ҳолда келишмовчилик баённомасини тузиб, биринчи тарафга тақдим қилиш, билдирилган тақлифлар маъқул келмаганда, низо юзасидан судга мурожаат қилиши мумкин.

Лекин Фарғона вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига қарашли "Maxsus grant avto servisi" масъулияти чекланган жамияти қонуннинг бу талабига буйсунмади. Уларга илгаридан юзга келган катта миқдордаги қарздорликларини аҳоли бўйича юклаб, қай йил билан бўлса-да, улардан пул ундириб, қарздорликни ёпиш муҳимроқ кўриди. Бу режани амалга оширишлари учун МФЙ раисларининг масъулиятсизлиги, кўп жихатдан ҳуқуқий саводсизлиги кўп келди уларга.

Вазирлар Мақомазининг 2018 йил 25 сентябрдаги 765-сонли қарорининг 2-илловаси билан тасдиқланган, лекин 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган "Оммавий шартнома"нинг намунавий лойиҳасини ўша ҳолича МФЙ раисларига имзолатга, уйма-уй юриб, аҳолидан пул ундиришни бошлаб юбордилар.

Улар учун бу иш осон кечмади. Чунки фуқаролар тузилган шартномалардан хабарсиз, устига-устак чиқинди бирор марта олиб кетилмаган. Шундай экан қарздорликнинг пайдо бўлиши жуда ғалати. Аҳолининг билдирган эътирозлари жамият мулозимларини қизиқтирмади. Улар билан учрашиб, талаб-истакларини эшитиб, ҳато-камчиликларини тузатиб, намунавий хизмат кўрсатиш ўрнига тўловдан бош тортганларга қарши

ҳужжат тайёрлаб, ҳатто бундай қилишга ишончли далил бўлмаса-да, судга ошира бошладилар. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига тақдим этилган ҳужжатлар улар томонидан чуқурроқ ўрганилмай, қарздорлар билан суҳбатлашилмай, улардан 200.000 сўмдан 700.000 сўмгача қарздорлик, 270.000 сўмдан 300.000 сўмгача давлат божи, 21000 сўмдан суд почта харажатлар тўлови ундириш ҳақида суд буйруқ чиқара бошлади.

Ваҳоланки, ҳужжатлар ўрганилса, 2021 йил сентябрь ойда тузилган шартномаларни асос келтириб, 2019 йил 1 январдан бошлаб ҳисобланган қарздорликлар ундирилаётгани маълум бўларди. Х.Исақова, К.Исақовларга нисбатан чиқарилган суд буйруқлари уларнинг аризасига асосан шу суд томонидан бекор қилинган бўлса-да, пенсияларидан чегириб қолинган пуллар ҳамон уларга қайтарилмапти. "У пуллар бизга тушгани йўқ, яна 200.000 сўм қарздорсизлар", деб жамият ходимлари ҳамон уларнинг тинчини бузмоқда. "Беруний" МФЙдан А.Муллажонов, А.Қорабобоев, "Наврўз" МФЙдан Х.Исмоилов, М.Қўшақов, "Обод" МФЙдан А.Мукарромов, Б.Хожиев ва бошқалар ана шундай адолатсизлик қурбонига айланди.

Фуқароларга нисбатан қилинаётган бу адолатсизлик халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларини бефарқ қолдирмади. Жорий йилнинг 11 август куни Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ишонч телефониغا кўнгирик қилдик, ҳолатни тушунтириб, жамиятнинг иш фаолиятини тезкорлик билан ўрганиш ва фуқароларни ноҳақ жазоламасликларини сўради.

Орадан бир ҳафта ўтиб ўзини вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси санитар ишларни ташкил этиш бўлими

бошлиғи деб таништирган Х.Абдуллаев етакчилигидаги вакиллар билан "Обод" МФЙ идорасида учрашди.

Учрашувда мазкур МЧЖ аҳолига хизмат кўрсатмай пул талаб қилаётганлиги, ҳатто аллақачон вакилларнинг кетганларга ҳам чиқинди пули ҳисоблаб, ундириб келаётгани, чиқиндилар бўйича экология бошқармаси умуман ишламаётгани, Ямбароқ қишлоғида ташкил этилган чиқиндиҳонада ўн кундан буён олов ёнаётгани, тарқалган қуюқ аччиқ тутундан қишлоқ аҳолиси соғлиғига зарар еттириб, булар ҳақида туман, шаҳар, вилоят прокуратурасига арыз қилинган, лекин ҳеч ким ҳеч қандай чора кўрмаётгани тушунтирилди. Бироқ... бошқарма вакили Х.Абдуллаев "Биз уларни текширгани келганимиз йўқ" дейиш билан чекланди. Хонадонларга кириб, чиқинди масаласида аҳолининг фикрини ўрганишлар, юринглар бирга кирамиз деган тақлифни ҳам рад этди.

Модомики, экология бошқармаси мулозимларининг аҳоли ва биз билан тортишувлари ҳақ-ноҳақлик мавзусига қадаглан экан, кўлимиздаги мавжуд ҳужжатлар ва соҳага оид амалдаги қонун-қоидаларга биноан уларга билдираётган эътирозларимизни асослаб беришга ҳаракат қиламиз:

Биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, жамиятнинг МФЙлар билан тузган шартномаси қонуний кучга эга эмас.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармоннинг 3-қисми "д" бандида коммунал соҳа, электр энергия билан таъминлаш, алоқа хизмати, йўловчи ва юкларни ташини ва бошқа шу каби катта ижтимоий аҳамиятга эга бўл-

ган соҳаларда табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқилган оммавий шартномалар монополияга қарши курашиш органи билан келишилгандан сўнг истеъмолчилар билан тузилади, деб кўрсатилган. Жамият фармонинг бу талабини бажармаган.

Учинчидан, "Каттиқ ва суяқ чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиши бўйича хизмат-ликни кўрсатиш қоидалари"га кўра, жамият маҳаллаларда махсус чиқинди тўплаш шохобчаларини ташкил этиш, уларни контейнерлар билан жиҳозлаш ва сигнал усулида чиқиндиларни уч кунда бир марта олиб кетиши лозим бўлса-да, жамият аҳоли олдидаги бу мажбуриятини бажармагани боис йил четларига халталарга жойлаб чиқариб кўйилган ахлат уюмлари қалашиб ётибди. Бундай ҳолатни "Миндонобод" МФЙ ҳудудиди ҳам кўрди.

Ўрганишларимиз давомида янги курилатган кўп қаватли 121, 122, 123-сонли уйларда яшовчи фуқаролар аризага қўлоқ солдик. Ўрнатилган иккита чиқинди контейнери уйлардан анча узоқда бўлгани улар учун ноқулай. Шу сабаб уйлар ёнига ташлаб кетилган чиқиндилар дайди итларнинг емакхонасига айланган. Болалар у ёқда турсин, катталар ҳам у ердан ўтишга кўрқшади.

Фуқароларнинг шикоятлари асосида жамият раисининг тушунтиришлари халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида эшитишга ҳаракат қилдик. Лекин у келмади. Айтишларича, у жамиятнинг ягона мулкдори – дахлсиз тадбиркор эмиш!

Лекин ваколатли органлар жамият раисидан бирон-бир тайинли жавоб олишларига ишонмасиз ва қонун ўзининг қиёс кетган жамият фаолиятини тез кунда йўлга қўйиб, аҳоли билан яқин ҳамкорликда ишлашига умид қиламиз.

Худудий кенгашларда

Фуқаронинг мушқули осон бўлди



Халқ депутатлари Қашқадарь вилоят кенгаши депутати Мухаббат Шаронова номига Қарши шаҳар "Шайхали" МФЙ 173-хонадонда яшовчи Сайёра Ражабовадан мурожаат хати келди.

Унда айтилишича, фуқаро йиқилиб, шифокорлар томонидан ўнг сон суягининг бўйиндан ёпиқ синиб силжиши ташхиси қўйилган ва унга оёғига тотал эндопротезлаш операцияси лозим. Бемор Сайёра Ражабова яшаш шариоити оғирлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, турмуш ўртоғи билан ажралганлиги ва операцияга 27 миллион сўм топа олмай тўшака михлини қолганлигини ҳам ёзган.

Депутат Мухаббат Шаронова фуқаронинг оилавий аҳолини ўрганиб, унга ҳақиқатдан ҳам кўмак кўрсатиш зарур деган қарорга келди ва вилоят ҳокими ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи номига депутатлик сўрови юборди. Кўни кеча фуқаронинг муаммоси ҳал бўлди.

Қашқадарь вилоят кенгаши матбуот хизмати

Депутат ва ёшлар учрашуви

«Адолат» СДП Когон шаҳар кенгаши томонидан шаҳардаги 9-сонли умумтаълим мактабда депутат ва ёшлар учрашуви ўтказилди.

Шеҳроз НОРОВ,
халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгаши депутати



Учрашувни кириш сўзи билан очиб берган халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати М.Ҳамидов бугунги кунда ёшларга давлатимиз раҳбари томонидан яратилган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиш, интернет тармоқларида берилган ахборотларни қабул қилиш, ахборот тарқатиш маданиятини ва ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, интернет тармоқлари орқали уюштирилаётган ҳужумлардан сақланиш, ёлгон ва зарарли ахборотлардан «заҳарланиш»лар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иктисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон оstonаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди». Учрашув сўнггида ёшларнинг саволларига депутатлар томонидан жавоб берилди.

Огоҳлик

Болаларни ўт балосидан асранг

Маълумки, ёнгинлар асосан эҳтиётсизлик, носоз қўлбола газ ва электр инеити ускуналари ва тизимларидан фойдаланиш, шунингдек, болалар катталар назоратидан четла қолиб, олов билан ўйнашлари оқибатида келиб чиқади.

Жасур УМАРОВ,
Чилонзор тумани фавқулодда вазиятлар бўлими инспектори, лейтенант
Азиз ҚОДИРОВ,
Чилонзор тумани фавқулодда вазиятлар бўлими инспектори, лейтенант

Бундай ҳодаларнинг асосан аҳоли турар жойларида содир бўлишини бепарволик, лоқайдликнинг бир кўриниши десак адашмаган бўламиз. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнгинларнинг олдини олиш борасида маҳаллалар, халқ таълими муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтқаётган учрашувлар, кенг миқёсда олиб борилаётган тушунтириш ишлари маълум даражада ўз натижасини бермоқда. Бу эса тарғибот ишларининг кўламини янада кенгайтириш вазифасини кўяди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқароларга ёнгинларнинг олдини олиш борасидаги тушунтириш ишлари нафақат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки жамиятимиздаги ҳар бир замондошимизнинг бурчи эканлигини англата билиш мақсад сари қўйилган илк қадамдир.

Содир бўлаётган ёнгинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи бўлаётганини ҳисобга олсак, ёнгин чиққанда бажарилиши талаб этиладиган тадбирларни содда тилда, қисқа ва лўнда тушунтиришни талаб қилади. Бола онгда ўт балоси ҳақида тасаввур уйғотиш унинг иштирокида содир бўлиши мумкин бўлган ноҳуш ҳолатлар камайишида ўзининг жобий таъсирини кўрсатиши табиий. Бу борада хизмат ходимлари томонидан мактабга тарбия муассасалари тарбияланувчилари билан ёнгин хавфсизлиги қоидалари, ёнгиннинг олдини олиш чоралари ҳақида жонли лавҳалар, кўргазмалы куроллар ёрдамида учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Унутманг, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари томонидан тушунтирилаётган ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш орқали ўзингизни, оила аъзоларингизни, қолаверса, ўз юртингиз бойлиқларини асраб қоласиз.

Жиноятга жазо муқаррар

ЧИПТАЛАР СОХТА ЭКАН

Анджонлик ҳамюртимиз А.Ҳасанов 2018 йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида "Водий зиё мадад" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Мазкур жамият маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган эди.

Бекзодбек ТУРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Анджон шаҳар судининг судьяси

Албатта, ишбилармон одам битта фаолият билан чекланиб қолмайди, изланади, имконият қидиради. Шу маънода айтганда, тадбиркоримиз ҳам кейинчалик Анджон шаҳрининг Бобур шоҳкўчасида авиакасса ташкил қилиб, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтиради. Бугунги "қахрамон"имиз, Жалақудуқ туманида яшовчи Мирғани Зарипов(исм-шарифлар ўзгартрилган)ни эса яна 2 нафар йигит билан бирга қасир вазифасига ишга қабул қилади.

Аввалига Мирғани бинойидек ишлаб келаётганда, жамият раҳбари ҳам унинг ишидан мамнун эди. Аммо ўтган 2021 йилга келиб, қасир йигит "айниди". Яъни, қингир ишга, аниқроғи, жиноятга қўл урди.

Гап шундаки, М.Зарипов дастлаб фуқаро М.Матмусаевани алдаб, унга ўғли билан бирга Россия Федерациясига жўнаб кетиши учун яроқсиз авиачипта расмийлаштириб берди. Бунинг учун аёлдан 780 АҚШ долларига тенг бўлган 8.229.507 сўм олади. Сўнг ана шу нақд пулни шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади. Ора-

дан 2 ҳафта ўтгач эса Мирғани фуқаролар Х.Шаробидинов, Ғ.Раҳмонов, И.Абдуҳалилов, С.Исмоилов ва Э.Баратовга нисбатан худди шундай усулда фирибгарлик қилади. Уларнинг ҳар биридан 430 АҚШ долларига тенг 4.553.897 сўмдан пул олади. Кейин бу жиноятни яна давом эттиради. Хуллас, бир ой мобайнида нақ 31 кишини чув туширади. Бироқ, кўп ўтмай бу сохтакорликларнинг мисси чика бошлади.

Бир куни қасир Сардор Одилов авиакасса раҳбари А.Ҳасановга кўнгирик қилиб, бир гуруҳ мижозлар аэропортдан қайтиб келишганини ва сотиб олган чипталари қалбаки эканлигини айтишгаётганини айтади. Жамият раҳбари авиакассага етиб борганида Олимжон Каримов, Дийёрбек Рустамов, Василдин Холмирзаев, Носиржон Сариков, Аҳрорбек Атабоев, Нигорахон Хусанова, Баҳодир Абдураҳмонов, Хуршидбек Сулаймонов, Ферузахон Умарова ва бошқа бир нечта фуқаролар тўпланиб туришган. Улар М.Зариповдан авиачипта харид қилишгани, лекин кўзлаган манзилларига уча



олмай, аэропортдан қайтиб келишгани маълум қилишади. Текшириб кўрилсаки, улар ҳақ. Шу боис тадбиркор муаммони ҳал қилиш ва мижозларни йўқотмаслик мақсадида ўз ҳисобидан тўловни амалга ошириб, қайтадан авиачипталарни расмийлаштириб беради. Аммо...

Аммо ана шу воқеанинг эртаси ва индинига бошқа чув тушган мижозлар ҳам келаверади. Бинобарин, Мирғани уларга қайтадан авиачипта расмийлаштириш учун қарз кўтиради. Аниқроғи, "Уч-тўрт соатда қайтараман", дея фуқаро Д.Юлдашевдан 1600 АҚШ доллари олади. Бироқ шундан кейин олган қарзини қайтаришни "унутиб" юборади.

Буни қарангки, фирибгар қасир авиакассадан кетаётиб, ўғирлаб, бирдан ҳам қўл уради. Яъни, у сейфада турган, савдодан тушган 50.000.000 сўм пулни ҳам ўмариб кетади. Бундан хабар толган А.Ҳасанов ўша заҳотиёқ унинг яшаш хонадонига боради. Лекин ота-онаси М.Зариповнинг уйга келмаётганини

маълум қилишади. Шунга қарамай, Мирғани тез орада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қўлга олиниб, Жалақудуқ туман ИИБга келтирилади. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Тергов жараёнида фирибгарнинг яқин қариндошлари томонидан жабранувчиларга етказилган зарарлар қопланади. Сўнг мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Анджон шаҳар судида кўриб чиқилди. Суд Мирғани Зариповни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди ва 169-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбдор деб топиб, қонуний жазога маҳкум этди.

Шу ўринда бир гап. М.Зарипов бир нечта фуқарони чув тушириб ёки авиакассадан пул ўғирлаб, бирданга бойиб кетишни ёхуд кайфу сафо қилиб юраверишни ўйлаган бўлса керак. Аммо унинг хомхалларини қонун химоячилари пучга қариқаришди. Шоядки, судланувчи ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаслигини энди англаб етган бўлса...

Устозлар ибрати

КОМИЛЛИК ЙЎЛИ

Инсон кўп умр кўриб ҳам комиллик, етуклик мақомига эришиши кийин. Бундай даражага эришиш ҳар кимга ҳам nasib этавермайди. Унга эришиш учун, аввало, одам ўзида энг ибратли хислатларни — Ватанини, ота-онани жондилдан севиши, меҳнатсеварлик, ҳушмуомалалик, чуқур билим, ҳурмат-эҳтиром, меҳр-муҳаббатни шакллантириши лозим. Ана шундагина у етук инсон бўла олади.

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Кўҳна қалъалар сирдоши, жонфидо раҳбар, ёшларнинг сеvimли устози, ижодкорларнинг меҳрибон дўсти ва маслакдоши, санъатсевар Нетьматулла Худойберганов ана шундай инсонлардан бири. Ундаги ибратли фазилатларни санаб адоғига етолмайсиз.

Нетьматулла билан ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталаридан танишмиз. Мен республика ёшлар газетасида бош муҳаррирлик қилган пайтларим. Ўшанда у Вазирлар Маҳкамасида масъул лавозимда ишларди. Бунгача у Қорақалпоғистоннинг асрлар бўйи қақраб ётган чўлу биёбони Эпикқалъа даштларини ўзлаштиришда ёшларга бош бўлиб суяги қотган, сўнгра ўша худуддаги етакчи қўрилиш ташкилотларида ва туман бошқарувида раҳбарлик лавозимларида ишлаб, ўзининг нималарга қодирлигини амалда кўрсата олган қирчиллама йигит эди. Ўша пайтдаёқ ундаги интилиши, ўз устида тинмай изланиши, билимга чанқоқлики, замонавий дунёқарашни шакллантириб, бойиқ бориш хислатларини ўзаро суҳбат ва мулоқотларда ҳис қилганман.

У газетамизнинг ашаддӣ мухлиси эди. Ҳар бир сонидаги долзарб мақолаларни синчиклаб ўқиб, ўша кунидеёқ кўнгирик қилиб ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдирарди. Гоҳида ишга эрта келиб, газетани дундан сотиб олиб, мутулаа қилиб, ёқиб қолган мақолаларни юзасидан ҳаяжонланиб кўнгирик қиларди. Мен бош муҳаррир бўла туриб, чоп этилгандан сўнгра нашрни кўздан кечирмасимдан ундан жўяли фикр-мулоҳазаларни эшитар-

дим. У газетанинг ҳақиқий "фанати" эди.

Мустақилликдан сўнгра у яна Эпикқалъага бош раҳбар — ҳоким бўлиб қайтди. Раҳбарлик, етакчилик унга бобо мерос, Хива хони Ферузоҳ даврида бобоси Муҳаммадхожи Аминиддин ўғли ва катта бобоси Аминиддин Ёқуб ўғли Хонқа беклигида ҳоким бўлганлар Қонида жўш уриб турган ана шу фазилат Нетьматуллани янги замонда, мустақиллик даврида боболарининг эзгу-ниятларини амалга ошириш учун унинг ғайрат-шижоатини янада оширди, кучига куч қўшди. У бир туманда қарийб 20 йил бош раҳбар сифатида, фаол ёшлар етакчиси ва қўрилиш трестиде ишлаган даврларини ҳисобга олганда 34 йил фаолият юритиб, дашту биёбоннинг гуллаб-яшнаган худудга айланишига улкан ҳисса қўшди.

Чўл кўйида янги, гўзал Бўстон номли шаҳар бунёд бўлди. Замонавий Амфитеатр, Ботаника боғи, Санъат ва тиббиёт коллежлари, Ақчақул оромгоҳи сингари халқ қорига ярайдиган, ёшларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган илм-маърифат масканлари қад ростлади.

Туманда кўплаб миллий-маърифий анжуманлар ташкил этилди. Туман ҳокимининг ташаббуси билан икки йилда бир марта ташкил этилган устоз ва шоғирд ижодкорларнинг "Ақчақул илҳомлари" учрашувидаги мушоирада хоразмлик истеъдодли шоир Матназар Абдулҳакимнинг ўқитувчига бағишланган шеъри уни мафтун этди. Устозларнинг фидойилиги, шоғирдларига бўлган меҳр-муҳаббати, билим йўлидаги заҳматли тақдирлари



Гулдан гулга кўниб сахар палладан, Болари бол йиғар қирон, даладан. Шоир болари бўлсайди азар, Ишни бошлар эди Эпикқалъадан.

Абдулла ОРИПОВ

унинг ҳаёлидан кетмади. Кеча-ю кундуз шеърий сатрлар қалбида чарх урар, шоирдан олиб қолган ижод намунасини қайта-қайта ўқиб, гоҳида мижа ҳам қоқмай тонг орттирарди. Ахири бир фикрга келди. Устоз муаллимга бирор-бир ёдгорлик ўрнатиш фикри дилидан муқим жой олди.

У ҳайкалтарош излаб топиб, ўзининг фикрини билдирди, шоирнинг шеърини ҳам унга тақдим этди. Шу асосда Бўстон марказида "Устоз муаллимга таъзим" ҳайкали дунёга келди. Бу ёдгорлик айни пайтда республикамизда фидойи ўқитувчиларга бағишлаб ўрнатилган ягона ёдгорликдир.

Нетьматулла санъатсевар инсон сифатида ҳам халқнинг тилига тушган. У буюк ҳофиз, бир неча республикалар Халқ

артисти Отажон Худойшукуров хотира-сига ва бой меросига бағишлаб ўтказилган ўзига хос кўрик-танловга ҳам асос солди. Бу анъанавий кўрик-танлов қанчадан-қанча истеъдодларни кашф қилди, не-не ёш санъаткорлар учун маҳорат мактаби бўлди.

Ҳозирги кунда китоб излаётган одамни топиш қийин. Лекин китобни ўзига яқин дўст, маслаҳатгўй, билим манбаи деб билувчи инсонлар ҳам бор. Шундай китобхонлардан бири Нетьматулла.

Бир куни телефон кўнгириги бўлди. Дарров танидим, бу Нетьматулла эди. Сўрашдик, омон-эсонликдан сўнгра мақсади кўчди:

— Газетада ўқиб қолдим, халқимизнинг буюк шоири Алишер Навоийнинг кўп жилдли асарлар тўплами нашр қилинаётган экан, бир жамлангани топса бўладими?

Ана, қаранг, айримлар китоблардан узоқлашаётган бир пайтда у китоб изласа. Бу ҳақиқий зиёлининг иши, ҳаёти, орзу-умиди.

Нетьматулла раҳбарлигида амалга оширилган ишлар, қишлоқ ҳужалигида қўлга киритилган ютуқлар, туман маданий-маъ-

рифий ҳаётидаги улкан ўзгаришларни санаб санаб етолмайсиз. Унинг энг ноёб фазилати меҳмондўстлиги, чин одамийлик хислатлари. Буларга гап йўқ. Оилапарварлиги ҳам энг юксак даражада. Умр йўлдоши Гулнорхон ҳам ўзига ўхшаш тиниб-тинчимас аёл — шифокор, ўғил-қизлари зиёли, олий маълумотли етук мутахассис бўлиб етишганлар.

Тарих ўз-ўзидан яралмайди. Уни таникли олимлар, санъат-маданият номендалари, машҳур ижодкорлар, заҳматкаш раҳбарлар ва фидойи зиёлилар яратишади. Ана шундай комил инсонлар орасида Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида туғилиб камолга етган Нетьматулла Худойберганов ҳам борлигидан фахрланасан арзийди. У шундай ибратли номга муносиб фарзанд, ҳозирги кунда ҳам юзлаб талабаларнинг сеvimли устози, халқимизнинг садоқатли ўғлини. Сеvimли шоиримиз Омон Матжон "Хоразмда Амударё бўйларида баланд чўққили тоғлар йўқ, лекин улардан ҳам баланд инсонлар бор" деганида Нетьматулла Худойбергановдай одамларни кўзда тутган бўлса ажабмас...

“ИСТАНБУЛ ДАФТАРИ”НИ ВАРАҚЛАБ

Биз ва дунё

Яратганининг марҳамати билан дунёнинг қирқдан зиёд шаҳарларини кўрдим. Улар орасида Париж, Лондон, Нью-Йорк, Вашингтон, Пекин, Сеул, Қоҳира, Женева, Брюссель, Берлин, Москва, Деҳли, Техрон каби жаҳонга машҳур шаҳарлар бор. Ана шу мегаполислар ичида менга жуда ёққанларидан бири — Истанбул.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Шаҳарлар ҳам одамларга ўхшайди. Чехраси очик, юзидан нур ёғилиб турадиган, қалби тоза, кўнгли очиклиги қарашларидан билиниб турадиган инсонлар бўлади. Уларни кўрсангиз кайфиятингиз хўфтон бўлиб, кайфиятингиз тушиб кетади. Шаҳарлар ҳам шунақа. Шундай шаҳарлар борки, у ерга борсангиз яйраб, кўнглингиз кўтарилади, дунё ташвишларини унутасиз. Бунақа шаҳарда зерикмайсиз, кетгингиз келмайди. Аксинча, баъзи шаҳарларда одамнинг юраги сиқилади, нимадир босгандай киши ўзини оғир сезади. Иложи борича тезроқ кетиш пайида бўлади.

Истанбул биринчи тоифага мансуб. Мен бу шаҳар ҳақида бирон нарса ўқисам ёки телевидордами, телефондами кўрсам, ҳатто у ҳақда нимадир эшитсам ҳам қувониб кетаман, дилим гаш бўлиб турган бўлса, гашлик тарқайди, кўнглим равшанлашади, кайфиятим кўтарилади. Истанбул доимо кулиб турадиган, истараси иссиқ шаҳар. Унинг тарихида қонли воқеалар ҳам, ташвишли йиллар ҳам кўп бўлган. Бу мардон шаҳар ҳам масидан эсон-омон чиққан. Балки булар унинг ободлиги, гўзаллиги, ранг-баранглиги, бағри-келлиги натижасидир. Нияти пок инсоннинг ошиғи ҳамisha олчи бўлгани сингари Истанбул ҳам ана шу фазилатлари туфайли дунёнинг энг гўзал, ҳамма ҳа-

вас қиладиган шаҳарлари қаторига чиққандир. Унинг иқтисоди ҳам жадал ривожланмоқда. Туркия миллий даромадининг учдан бири ушбу шаҳар ҳиссасига тўғри келади. Дипломатик ваколатхоналар кўплиги бўйича Нью-Йоркдан кейин иккинчи ўринда туради. Истанбулнинг дунёдаги биронта шаҳарда учрамайдиган ўзига хос жиҳати бор. У икки йирқи қитъани — Осиё ва Европани бир-бирига боғлаб туради. Бу — шаҳар учун, унинг аҳолиси учун Оллоҳнинг иноятидир. Бу шаҳарнинг тарихи ҳам, бугуни ҳам жуда бой ва қизиқарли. Ислому ва насроний динлари тўқнашган бунда Истанбулда тарихий ёдгорликлар, музейлар кўп. Уларнинг ҳар бирини обдон томоша қилиш учун бир неча кун керак бўлади. Биргина Аё София музейига ҳар йили миллиондан зиёд одам кириди. Истанбул ислом дини учун ҳам табаррук маскан. Музейларда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг кийимлари, мўйлаги сақланади.

Истанбул жаҳоннинг не-не императору султонларининг ҳавасини келтирган. Франция императори Наполеон Бонапарт "Бу-тун дунё бир бўлса, унинг пойтахтини Истанбул, деб эълон этардим", дегани бунга бир мисолдир.

Истанбул ана шундай жозибали, доврुकли, тарихий ва замонавий шаҳар. Бу ерда нуфузли халққаро анжуманлар тез-тез ўтказиб турилади.

Ўзинг яхши кўрган шаҳар ҳақидаги китоб қизиқшғи ёғотишини табиий. Шу боис мен Абгор Гуломовнинг "Истанбул дафтари" китобини иштиёқ билан ўқидим.



Туркия, хусусан, Истанбул тарихи, шаҳар қачон пайдо бўлгани, қанақа номлар билан аталгани, Туркиянинг мустақилликка эришиш тарихи, кимлар Президент, бош вазир бўлгани, иқтисодий салоҳияти, халқро мижёсдаги мавқеи, бир йилда қанча сайёҳ келиши... Хуллас, Туркия ва Истанбул ҳақида истаган маълумотни топасиз.

Мен Истанбулни уч кун — Қоҳирага бораётганда бир кун, Қоҳирадан қайтаётганда икки кун (самолёт чиптаси шундай экан, бундан роса қувонганман) томоша қилиш бахтига муяссар бўлганман. Китоб муаллифи Эркин Воҳидовнинг Истанбул ҳақидаги фикрини келтиради: "Истанбул шаҳрида мовий Босфор устида бу кўрфазнинг икки қирғоғини туташтириб турган улкан кўприк бор. Бу машҳур ва маҳобатли иншоот Осиё ва Европа китъаларини бир-бирига улайди. Ҳар гаш шу кўприк яқинига борганимда ўзининг улғуворлиги, кўтарган юқининг залворлиги, табаррук уҳдаси билан мени ўзига ром этарди".

Улуғ шоиримизнинг бу таърифи ва ҳиссиёти ушбу гўзал, салобатли шаҳарга борган, мазкур кўприкдан ўтган ҳар бир кимсага бегона бўлмаса керак, деб ўйлайман. Одам кўприкдан ўтиш остонасида беихтиёр ўйга берилади: Осиёдан Европага ўтаганман ёки Европадан Осиёга ўтмоқдаман...

Ҳоқ ишонинг, ҳоқ ишонманг одамни галати, таърифлаш қийин бўлган ажиб туйғулар чулғайди. Масалан, мени шу туйғу ўраб олган ва анчагача тарк этмаган. Истанбулликларга ҳавасим келган.

"Истанбул дафтари"ни таҳлил қилмоқчи эмасман. Китоб

тўғрисида ёзилди, яна ёзила-жақ. Ушбу китобни мутулаа қилиб, баъзи боблари ва саҳифаларини қайта-қайта ўқиб, бир фикр туғилди. Мустақиллигимизнинг 31 йиллигини нишонладик. Шу йиллар ичида дунёнинг қанча-қанча давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдик. Ҳозир ўттиз беш давлатда элчи-хонамиз, йигирмага яқин бош консулхонамиз бор. Уларнинг ҳар бирида ўнлаб элчилар, консуллар ва бошқа ходимлар ишлаган ва ишламоқда. Шулардан биронтаси Абгор Гуломовга ўхшаб китоб ёздики? Масалан, мен кўрганам ҳам, эшитганим ҳам йўқ. Ваҳоланки, ҳар бир элчи-хона ва бош консулхонамиз ўзи ишлаб турган давлат, унинг пойтахти ҳақида китоб ёзса (уни элчи ёзадими, бошқа ходим ёзганими — аҳамияти йўқ) қандай яхши иш бўлар эди. Табиийки, бундай китобда ўша давлат билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар тарихи, бугуни ва келажаги акс этади. ("Истанбул дафтари"да шу нарсалар бор). Масалан, Франция билан алоқаларимиз Амр Темур бобомиз давридан бошланган. Испания қиролининг Амр Темур салтанатидаги элчиси Клавихони, унинг ёзганларини эслайлик. Улар бугун биз учун қанчалар қадрли, қимматли манба.

Демак, икки томон элчилари ўз кузатишларини ёзса, тарих учун қимматли маълумотлар бўлиб қолади. Президент билан элчиларимизга ўзи ишлаётган давлатдан мамлакатимизга инвестиция киритиш масаласи билан ҳам шуғулланишини топширди. Бу ўзаро ҳамкорлик кенгайтишига олиб келади. Шунинг қаторига китоб ёзиш ҳам қўшилса, нур устига нур бўлади. Бинобарин, бундай асарлар келгуси авлодларимиз учун давлатимизнинг бугунги фаолияти, халқро доирадаги мавқеи ва нуфузи, қайси давлат билан қанақа соҳаларда кўпроқ ҳамкорлик қилгани каби жуда муҳим масалалар ҳақида аниқ маълумот берувчи ишончли манба бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, қайси давлатда кимлар элчи бўлиб ишлагани ҳам тарих саҳифаларига муҳрланади. Тарих учун бунақа маълумотларнинг аҳамияти катта бўлишини унутмайлик.

Онкология маркази ўзгармоқда



Шу кунларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиалида замон талаблари асосида қуриб битказилган, замонавий тиббиёт моддий-техника базаси билан шаклланган, 50 ўринга мўлжалланган "Жароҳлик мажмуаси" ҳамда "Патоморфология бўлимида янги иммуногистахимик текширув методи" бўлими фойдаланиш учун топширилди.

Очилиш маросимида вилоят ҳокимлиги, тиббиёт соҳасининг фахрийлари, мазкур даво масканининг шифокорлари, ишчи-ҳодимлари, партия фаоллари, депутатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, соҳа ривож натижасида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази Хоразм филиалида инсон қадрини улуғлаш ва саломатлигини асраш мақсадида яна 100 ўринлик стационар ва 150 қатновли поликлиника орқали воҳа аҳолисига самарали тиббий хизмат кўрсатиш кўрсаткичи тобора ошиб бормоқда.

Хусусан, вилоятда ҳавфли ўсмалар билан бирламчи ҳисобга олинган беморлар 2021 йилда 1291 нафарни ташкил қилиб, ҳар 100.000 аҳолига нисбатан бу кўрсаткич 68,2 (республика кўрсаткичи — 74,6)ни ташкил қилган.

Бугунги кунда диспансер назоратида 6332 нафар онкологик бемор ҳисобда туради. 2021 йилда 6189 нафар бемор стационар даволанди.

Марказга маҳаллий бюджетдан 700 миллион сўм ажратилиб, беморларга республика етакчи мутахассисларининг онлайн консултацияларини ташкил қилиш мақсадида теле-медицина учун жиҳозлар ва замонавий асбоб-ускуналар харид қилиниб, айрим юқори технологияли жароҳлик амалиётларини, яъни, аёллар репродуктив системаси онкологик касалликлари, буйрак ва ичаклардаги усма касалликларда лапароскопик амалиётларини бажариш йўлга қўйилди.

Республика ихтисослашган онкология ва радиология илмий маркази Хоразм филиали ҳамда Россия Федерациясининг Н.Петров номидаги Онкология маркази ўртасида меморандум имзоланиб, ушбу марказ етакчи мутахассислари ташриф буюриб, мураккаб жароҳлик операцияларини ўтказмоқдалар. Жорий йилнинг апрель-май ойларида филиалнинг 20 нафар мутахассиси шу марказда бўлиб, ўз малакаларини ошириб келишди. Бунинг учун вилоят бюджетидан 500 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди. Бундан ташқари алоҳида онкология кафедраси ташкил қилиниб, эндиликда талабалар филиалнинг ўзида малакали мутахассислардан ҳам амалий, ҳам назарий билим олмақдалар.

2021 йилнинг февраль ойида эса 1 миллион 400 минг АҚШ долларлик қийматдаги Чехия давлатида ишлаб чиқарилган юқори технологик КОБАЛЬТ-80 номли энг сўнги русумдаги "Гамманур" терапия аппарати ўрнатилиб, беморларда барча йўналишдаги дистанцион нур терапия муолажалари амалга оширилмоқда. Бу билан гамманур терапия муолажаларини беморларнинг республика марказига бориб даволанишлари кескин қаймади.

Хоразм вилояти аҳолисига онкологик хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида 2021 йилнинг октябрь ойида вилоят халқ депутатлари Кенгаши сессияси қарори билан филиалда 2 қаватли хирургия биноси, МРТ ва иммуногистохимия биноларини янгидан қуриш учун 6 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилди. Ушбу қурилиш ишлари бугунча келиб якунланди ва бинолар фойдаланиш учун топширилди.

Тадбир иштирокчилари филиалда яратилган қулайликлар, шарт-шароитлар, замон талаблари асосида тиббиёт ускуналарининг афзаллиги билан яқиндан таништирилди. Бу ютуқларга эришишда "Адолат" СДПнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидланди.

Бир шеър тарихи

Халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг Шавкат Раҳмонга бағишланган «Лолақизгалдоқ» номли шеърини қайта-қайта ўқийман, тинглайман. Лекин нима учундир ушбу шеърнинг руҳиятида бошқа нимадир, кимдир борга ўхшайверади...

Орадан йиллар ўтди, фалакнинг гардиши билан бир куни Муҳаммад Юсуфнинг ашаддий мухлиси бўлмиш қосонсойлик Аъзамжон хожи Мамажонов билан суҳбат қуриш асносида анчадан бери ҳаёлимни банд этиб келаётган ушбу саволга кўккисдан жавоб топгандай бўлдим.



ГУЛ МОМОГА АТАЛГАН «ЛОЛАҚИЗГАЛДОҚ»

Муҳиддин ОМАД, шoir

– Сиз тўғри ўйлагансиз, – деди Муҳаммад Юсуф оиласининг яқин кишисига айланган қолган Аъзамжон хожи, – аслида ўша шеърни Муҳаммад Юсуф опага Гулчеҳра опага бағишлаб ёзган. Агар йўлимиз тушиб, опанинг уйига борсак, шеърнинг ёзилиш тарихи ҳақида батафсил билиб оласиз.

Иттифоқо, Янгиқўрғон туманида ижодий-маданий ишлар бўйича тарғиботчиларнинг худудий ўқув йигини ўтказиладиган бўлиб қолди. Йигинга Чортоқ, Янгиқўрғон ва қосонсойлик тарғиботчилар таклиф қилинган. Жўнаш олдида Аъзамжон хожига Янгиқўрғонга ўқув йигинига кетаётганлигимни айтдим. Аъзамжон йиғилишдан хабари борлигини, лекин тоби йўқлиги сабабли боролмаслигини билдириб, уэр сўради. Бирок ўқув машғулотни бошланишига саноқли дақиқалар қолганда, у бирдан залга кириб келди.

– Ие, ҳожим, тобим йўқ дегандингиз-ку, – дедим у билан салом-алиқдан сўнг. – Бир нарса эсимга тушиб қолди, касалимни йиғиштириб қўйиб, машинанинг газини босдим. Йиғилиш тугагандан кейин бир жойга бориб келамиз.

Дарҳақиқат, йиғилишдан сўнг ваъда берганидай, Аъзамжон хожи машинаси рулини Чортоқ томонга бурди. Машинада у кишининг икки қизи – Назира ва Насибалар ҳам бор эди.

– Қаёққа йўл олдик? – деб сўрадим Аъзамжон ҳожидан.

– Тўғри Пешқўрғонга, Гулчеҳра опаникига борамиз. Фурсатдан фойдаланиб опадан «Лолақизгалдоқ»нинг ёзилиш тарихини сўраб-суриштириб, билиб оласиз. Ундан сўнг Баликли кўлини зиёрат қилиб, Султон Увайс Қараниннинг ҳақларига икки қалима Куръон ўқиб, уйга қайтаемиз.

...Борсак, Гулчеҳра опа уйларида эканлар. Дастурхон ёздилар. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг опадан «Лолақизгалдоқ»нинг ёзилиш тарихи ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилдим. Опа қимтиниб, парижон ҳолда «Лолақизгалдоқ» ҳақидаги воқеани сўзлаб бердилар:

– Муҳаммадҷон «Тико»сида автофалокатга учраб, Ташкентдаги травматология шифохонасида даволаниб ётганди. Мен ундан хабар олиб туриш учун Дўрмонга жойлашгандим. Бир куни кутилмаганда шифохона кийимида ҳовлиқиб, кўлида бир парча қоғоз билан кириб келди.

– Укам, жонинг оғриб турганда, бу нима юриш, – деб койидим уни.

– Мен сизга атаб шеър ёзгандим, Гулмомо, – деди Муҳаммадҷон. – Шунини ўқиб бергани келдим...

– Шу қадар заруримди?

– Ҳа, опа! Ичимга сиғмай кетяпман. Битта шартим бор, агар йиғилмасангиз ўқийман!

– Йиғилатадиган шеърми?

– Ҳа, қани ўқи-чи...

Муҳаммадҷон жароҳатини авайлаб, кўлидаги букланган қоғозни очди-да, шеърини ўқий бошлади:

... Уларни мен яна Кўрарманми-а, Айвондан одамдек Кузатолмадим.

Куз. Тўйлар бошланди. Юрагим пора – Битта қизимни ҳам Узатолмадим...

Демак, тақдир экан Тўй кўрмай ўлмоқ, Лола, лолагинам, Лолақизгалдоқ...

– Шу ерга келганда, мен ўзимни тута олмадим, лабимни тишладим, кўз ёшларимни ичимга ютдим, лекин ловуллаб ёнаётган оловдан сачраётган учқун каби дардли сатрлар юрагимни илма-тешик қилиб куйдириб бораверди. Кўзимдан тирқираб оққан ёшни бекитиш учун қўлларимни юзимга босишим билан қалбимда кўпириб-тошиб турган тугён ташқарига отилиб чиқди.

Оғриқ, ҳис-ҳаяжон билан шеър ўқиб турган Муҳаммадҷоннинг зийрак нигоҳлари ҳам киприклари устида пайдо бўлган кил-кил кўз ёшлари тўлқини ортида кўринмай кетганди...

– Бўлди! – деди у инграб ўрнидан тураркан. – Бу шеърни бошқа кўрмайсиз, мен уни бурдалаб ташлайман...

У шиддат билан ўрнидан турди-да, бир лаҳзада кўздан ғойиб бўлди. Ортидан юғриб чиқсам, остонада, айтганидай, бурдалаб, эзгилаб ташланган қоғоз парчалари сочилиб ётарди.

Шу-шу Муҳаммадҷон ўша шеър ҳақида бошқа гапирмади ҳам, мен эслатмадим ҳам... Кейинчалик китобида ўша шеър Шавкат Раҳмонга аталиб чоп этилганидан хабар топганимдан сўнг ҳовурумдан тугандек бўлдим.

Лекин Муҳаммад Юсуф ушбу шеърни нима учун айнан Гулчеҳра опага бағишлаб ёзганига аниқлик киритиш учун Аъзамжон хожи билан орадан бир неча кун ўтгандан сўнг яна Пешқўрғонга бордик.

2022 йилнинг 1 январь куни бутун умрини ўқитувчиликка бағишлаган, маҳалланинг маслақдоши, катта рўзгорнинг боши Гулчеҳра опа Турдиқулова етмиш беш ёшни қаршилаган эдилар. У кишини йўқлаб, кутлаб келган қариндошлар, фарзандлар, набиралар ва меҳмонлар даврасида гул-гул яйраб ўтирган Гулчеҳра опа беҳад бахтиёр эди. Аъзамжон хожи шундоққина опанинг рўпарасида туриб Муҳаммад Юсуфнинг «Одий муаллим» шеърини ёддан айтиб берди:

– Тупроқдек хокисор безовта жонлар, Аммо қаноатда тоғдек улугвор.

Ҳатто, Темурдайин Соҳибқиронлар Пирим деб этагин ўпан зотлар бор, Қайсар жаҳонсизга йўл кўрсатган ким? Одий муаллим-да, одий муаллим...

Маълум бўлишича, Гулчеҳра опа Наманган давлат педагогика олийгоҳида ўқиб юрган пайтларида чортоқлик Қаноат Меҳмонов билан танишиб қолади. Бора-бора икки талаба ўртасида оташин муҳаббат

пайдо бўлиб, улар бир-бирларини шу қадар севишган экан-ки, бутун бошли институт ўша даврнинг Ромео ва Жульеттаси сифатида таниган экан уларни.

Дорилфунун аталган дунё, Юксалтирар бизни қифт бўлиб, Ўқишга тоқ келамиз, аммо Тузатамиш некбин жуфт бўлиб. Битиргунча чопар студент, Ўзига ёр топар студент.

«Бетакрор фасл» номли шеърдан олинган юқоридаги сатрлар Қаноат ва Гулчеҳрага атаб ёзилган эди, деб хотирлаган экан севишганлар билан бир даврда ўқиган наманганлик ҳассос шоир Ёқубжон Аҳмадҷонов.

Тил ва адабиёт фани фидоийлари бўлган Қаноат Меҳмонов ва Гулчеҳра Турдиқулова мустақкам оила қуриб, бахтли ҳаёт кечира бошлади. Бирин-кетин тўрт қиз ва уч ўғил дунёга келди. Муҳаммад Юсуф Наманган олийгоҳида (захирада) ўқиб юрган кезларида поччасиникига тез-тез бориб турарди. Баъзида жиянлари билан тоғ ёнбағирларида қўй боққан пайтлари ҳам бўлган. Қаноат ака қайнисининг ёзган шеърларини кечки пайтлари тинглаб, унга баҳо берарди. Қалбдан яқин бўлганликлари учун бир-бирларига бўлган ишонч, хурмат, меҳр ҳам ортиги билан бор эди уларда. Бир сўз билан айтганда, улар туғишган ака-укадай бўлиб қолишганди.

Афсуски, Қаноат Меҳмонов навқирон пайтида – қирқ уч ёшида бу дунёни тарк этади. Айрилиқ туфайли Гулчеҳра опанинг гулгун чеҳраси сўлгин бўлиб қолади. Опасининг қаддини тик тутиб туриш учун илоҳий бир суянчиқ керак эди ўшанда. Муҳаммад Юсуф опа учун тоғ бўлди. Унинг ҳар бир ёзган шеърини худди гулга қуйилган оби-ҳаётдек Гулчеҳра опага руҳий мадад, мустақкам ирода ва сабот тақдим этарди. Автофалокат туфайли оғир жароҳат олиб шифохонада ётган чоғида ушбу шеърни раҳматли поччаси номидан опасига бағишлаб ёзганди...

Гулим, яқинроқ кел, Қара, не савдо, Бу ажиб ишларни Дил лавҳига ёз: Кимга қаср етмас, Кимга мол-дунё, Менга эса ҳаво Етмайди, холос. Тириклар мудроқда, Ўликлар уйғоқ – Лола, лолажоним, Лолақизгалдоқ...

Ҳеч нарса аёлга сабр, матонат бера олмайди. Ҳеч нарса аёлни юпата олмайди. Аёлнинг ўзи улкан сабр соҳибаси! Аёлнинг ўзи ўзини юпатади. Унга бундай буюк кучни, матонатни Яратганнинг ўзи ҳади этган.

Етмиш беш ёшни қаршилаган, нозиккина, шамол эсса тебраниб турадиган лолақизгалдоқдек жуссага эга бўлган Гулчеҳра опага зимдан назар солиб, ўпкам тўлади. Бу аёл турмуш ўртоғи Қаноат ақанинг, уқаси Муҳаммад Юсуфнинг ташлаб кетганига чидаб, оташин шоир Шавкат Раҳмон оиласининг қайғусига ҳамдард бўлиб яшаб келмоқда экан.

Шоир шеърининг ҳикматини қарангки, биргина «Лолақизгалдоқ» уч оиланинг қисматига дахлдор бўлиб турибди. Гулчеҳра опа бу шеърда ўзи ва ўзига ўхшаган юзлаб гулчеҳраларнинг қисматини кўради. Шеър Муҳаммад Юсуф томонидан ўқиб берилган кундан бошлаб опанинг руҳиятига ёзилиб қолган. У юрган-турган чоғида ниманидир пичирлаб юради. Эҳтимол ўша сирли сатрларни ичиди тақрор-тақрор айтиб юрар:

Буни ҳаёт дерлар, Унутма асло, Бир кун очиласан, Бир кун сўласан. Қалбимда-ку фақат Сен эдинг танҳо, Қайрим устида ҳам Ўзинг бўласан. Сен бизнинг севидан Хотира – байроқ, Лола, лолажоним, Лолақизгалдоқ...

Келажак муаллим тарбиясига боғлиқ

Ориф ШУКУРОВ, Жиззах вилоят кенгаши раиси

Дунёда шундай касб эгалари борки, уларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Ким бўлмайлик, қайси соҳада ишламайлик, барчамизга муаллимлар таълим ва тарбия беришган. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: «Инсон тафаккурининг қуввати ва кенглиги аввало муаллим тарбиясига боғлиқ» деган сўзлари устоз ва мураббийларнинг машаққатли, айни вақтда олижаноб фаоллигига берилган юксак баҳодир.



Ҳаёт бор экан, ўқитувчилик касби ўзининг маъно-мазмун ва олижаноблигини, аҳамияти ва журматини ҳеч қачон йўқотмайди. Барчамиз яхши тушунамиз, таълим-тарбия – ҳар қайси давлат ва жамятининг нафақат бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қиладиган муҳим ва устувор масалалар. Шунинг учун мамлакатимизда бу масалага давлат миқёсида улкан эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни деб эълон қилинганлиги мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган минг-минглаб ўқитувчилар, устоз ва мураббийлар меҳнатининг юксак эътирофи, уларга билдирилган ҳурмат ва эътибор намунасидир. Янгиланаётган Ўзбекистон ислохотларининг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар каторидан муносиб ўрин эгаллаши, аввало, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожини билан боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ишларнинг амалий таъ-


сири ва натижадорлигини таъминлашда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни ва роли беқиёс эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу йил ҳам устозларнинг қутлуғ айёми кенг нишонлаётгани жонжон мумлакатимизда ушбу касбга бўлган юксак ҳурмат-эътибордан далolat беради. Ҳолбуки, ҳарф ўргатувчи, касб, хунар ўргатувчи, фақат эзуликдан сабоқ берувчи меҳрибон муаллимларсиз Ватан тараққиёти, келажакни кўз олдимизга ҳам келтира олмаймиз. Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, дунёнинг бор ганжи, хазинаси билан ҳам устознинг ранж чеки қилган олижаноб меҳнати ҳақини адо этиб бўлмайди.

Умрини ёш авлод камолотига бағишлаб келаётган, эртанги эгаларига инсонийлик, меҳр-оқибатдан сабоқ бераётган фидоий устоз ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этамиз!

Машаққатли меҳнатингизнинг ширин меvasини топмоқ, шоигрларингизни камолини кўрмоқ насиб айласин, азиз устозлар! Байрамингиз муборак бўлсин!

БЕРУНИЙ ҲИКМАТЛАРИ



Илм даргоҳига кирар экансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб қўядиган ҳолатлардан, чунончи, котиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, рақобатдан, очкўзликнинг қули бўлишдан озод бўлмоғи даркор.

Ҳар бир олим ўз мулокамасига амалиётга асосланиши, ўз тадқиқотида аниқ бўлиши, тўхтовсиз меҳнат қилиши, хатоларини кидириб тuzатиши, илмда ҳақиқат учун ҳар хил уйдирма, юзакичиликка қарши кураш олиб бориши зарур.

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI. Muassis: «Adolat» СДП Сийёсий Кенгаши

Бош мухаррир: Ислом ХАМРОЕВ. Тахрир хайъати: Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавхар АЛИМОВА, Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144); 71 288-42-12 (132); Кабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15. Массул котиб — Абдугани Мамасодиқов. Навбатчи мухаррир — Камол Матқубов

1995 йил 22 февралдан чика бошлаган. info@adolatg.uz, adolatg-95@mail.ru. ISSN 2091-5217

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 800. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100. Адади – 1313, ЎЗА яқини – 21.30, Боснига топирилди – 22.50. Баҳоси келишилган нархда. Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. «Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.